Исторически ф-та ТашГУ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 1967 йил 14 ноябрь, сешанба ◆ № 267 (13.827). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 13 ноябрда Тошкентда меҳмон бўлиб турган Гваделупа Коммунистик партиясининг Бош секретари Эвремон Женни ва шу мамлакат компартияси Марказий Комитети аъзоси Ламбер Петилерни қабул қилди.

Дўстона суҳбат вақтида Ш. Р. Рашидов меҳмонларга республика партия ташкилотининг фаолияти тўғрисида, хўжалик ва маданий қурилишда Ўзбекистон меҳнаткашлари эришган муваффақиятлар тўғрисида гапириб берди.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари И. Г. Анисимкин, Н. М. Матчонов, Р. Н. Нишонов ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов шу куни республикада меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон Бирлашган социалистик партиясининг раиси Шридхар Махадева Жашини қабул қилди ва у билан дўстона суҳбатлашди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини байрам қилишда қатнашиш учун Москвага келган Туркия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ёқуб Демир ва Туркия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Исмоил Билен 12 ноябрда Тошкентга келишди.

Москвада Октябрь тантаналарида иштирок этган Мадагаскар Мустақиллиги конгресси партиясининг Бош секретари Жизель Рабисахала ҳам шу самолёт билан Тошкентга келди.

Аэродромда меҳмонларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудири Р. К. Шонеъматов, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. Н. Бобожонова, Ўзбекистон телеграф агентлигининг директори Ғ. Н. Нажимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Х. Ю. Аслиддинова ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бошқа ходимлари кутиб олдилар.

* * *

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини байрам қилишда қатнашиш учун Совет Иттифоқига келган руминиялик революцион ҳаракат ветеранларидан бир группаси Ўзбекистонда меҳмон бўлди. Группа составида — Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун кураш қатнашчиси, эндиликда Руминия Компартияси Марказий ревизия комиссиясининг раиси Константин Пирвулеску ва собиқ қизил гвардиячи Енате Замфир бор.

Аэродромда революцион ҳаракат ветеранларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия комиссиясининг раиси Ж. К. Хўжаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Р. К. Шонеъматов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бўлим мудири А. М. Муродхўжаев кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

САМАРҚАНД ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Самарқанд областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги шарафига мусобақалашиб, давлатга пахта сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Тайёрлов пунктларига 355 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Тайёрланган пахтанинг 80 процентдан кўпроғи биринчи сортларга қабул қилинди.

Область механизаторлари «зангори кема»ларда 115 минг тоннадан зиёд пахта териб беришди.

Нарпай, Хатирчи ва Булунғур районларининг хўжаликлари пахта тайёрлаш планини биринчи бўлиб бажардилар. Пастдарғом, Каттақўрғон, Пайариқ ва Иштихон районлари планни бажариш арафасида турибди.

Область пахтакорлари барча ҳосилни нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ва давлатга топширилган пахтанинг миқдорини 400 минг тоннага етказиш мажбуриятини олдилар.

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари шунингдек давлатга дон, пилла, қоракўл тери, жун, тухум, сабзавот, хўл мева ва узум сотиш йиллик планларини ҳам муваффақиятли бажардилар.

Колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари пахта ва бошқа экинлар ҳосилини йиғиб-териб олишни тугаллаш билан бир қаторда, давлатга гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар сотиш юзасидан олинган юбилей мажбуриятларини сўзсиз бажариш учун кураш олиб бормоқдалар, келгуси йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ҳамда чорва моллар қишловини тўқ ўтказиш тадбирларини қизғин амалга оширмоқдалар.

Сирдарё районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг ўртоқ Ким Ха Бом бошлиқ бригадаси 60 гектар ернинг ҳар гектаридан 23 центнердан шоли етиштирди. План ошириб бажарилди. Сиз бу суратда бригадир билан комбайнчи А. Охотниковни кўргазма учун олиб қўйилган шоли бошоқларини кўздан кечираётганида кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотоси.

ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Юбилей йили Самарқанд области қишлоқ хўжалиги учун зўр юксалиш йили бўлди. Область колхоз ва совхозлари қоракўл тери, пилла, дон, узум, сабзавот, мева ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда давлатга сотиш планларини ошириб бажардилар. Мана, энди ғалаба рапорти бериш навбати пахтакорларга келди. Улар Ватан омборига 355 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» тўкдилар. Тайёрланган ҳосилнинг қарийб 80 процени биринчи сортларга қабул қилинди. Ҳозиргача йиғиштириб олинган пахтанинг 115 минг тоннадан кўпроғи «зангори кема»лар бункерядан тўкилди.

Эришилган зафарлар, ғалаба рапортларидаги рақамлар меҳнаткашлар ўртасида олиб борилган ташкилий ва сиёсий ишларнинг самарасидир. Ишлаб чиқаришда коммунистларнинг авангардлик роли оширилди. Иқтисодий иш янада кучайтирилди. Деҳқонларнинг меҳнати моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилди. Буларнинг ҳаммаси муваффақиятни таъминлади.

Йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб район партия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари мўл ҳосил учун курашнинг жанговар штаби бўлдилар. Улар қишлоқ коммунистлари, бригадирлар, агрономлар, инженер-экономистлар ва бошқа ходимлар билан ҳамкорликда иш олиб бордилар, оз меҳнат ва маблағ сарфлаб, мўл ҳосил етиштириш йўлларини белгиладилар.

Область партия комитети колхоз ва совхозларда юбилей йили учун тузилган тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши устидан доимий контроллик олиб борди. Мавжуд ишчи кучлари, моддий-техника ресурслари ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларига тўғри тақсим қилинди. Ҳамма жойда тежамкорлик учун кураш олиб борилди.

Моддий бойликларни бунёд этаётган одамларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлигини кучайтириш маҳсулот етиштиришни қўпайтириш учун қурашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги тажрибада тўла исботланди. Шунинг учун «Самарқанд ташаббуси» номини олган иқтисодий иш кенг кўламда давом эттирилянти. Дала ишларининг долзарб палласида меҳнатга ҳақ тўлаш масаласи партия ташкилотларининг диққат марказида турди. Кимки машинага таяниб кўп ва сифатли меҳнат қилса, ўша одам ҳаммадан кўп ҳақ олди. Бу қандай натижа берганини қуйидаги мисолдан кўриш мумкин.

Қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш шу йил 10 февралда тугалланди. Чигит экиш 14 иш кунида тамомланди. 40 минг гектар майдонга уч кун ичида қайта чигит экилди. Ғалла ҳосили қисқа муддатда йиғиштириб олинди. Пахта йиғим-терими даврида ёғингарчилик кўп бўлди. Шунга қарамай «зангори кема» капитанлари машина терими планини байрам кунигача бажариб қўйдилар. Қишлоқ хўжалик ишларнинг барча даврларида агротехника қоидаларининг бузилишига мутлақо йўл қўйилмади. Чунки меҳнатнинг миқдори ва сифатидан манфаатдор бўлган пахтакор, механизаторлар астойдил ишладилар.

Областимиз шароитида пахта ҳосилининг мўл бўлиши кўп жиҳатдан сувчиларнинг ғайрат ва маҳоратига боғлиқ. Барча хўжаликларда сувдан тўғри фойдаланилди. Ҳар бир литр сув қадрланди. Ҳатто ер ости сувларидан ҳам экинни суғориш учун фойдаланилди. Сувдан фойдаланиш коэффициенти 98 процентни ташкил этди. Бу қувончли кўрсаткичдир.

Биз КПСС Марказий Комитети март (1965 йил) Пленуми қарорларини бажара борио, ҳар бир гектар ердан рационал фойдаланиш чораларини кўрмоқдамиз. Иқтисодий тадбирлар бошланғич партия ташкилотлари фаолиятининг етакчи соҳаси бўлиб қолди. Улар ҳисоб-китоб ишлари, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш масалалари билан яқиндан шуғулланмоқдалар.

Областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари дон тайёрлаш планини 104,5 процент, қоракўл тери тайёрлаш планини 113,5 процент, жун тайёрлаш планини 103 процент, тухум тайёрлаш планини 125 процент, пилла тайёрлаш планини 115 процент, сабзавот тайёрлаш планини 124,6 процент, мева тайёрлаш планини 112 процент, узум тайёрлаш планини 108 процент қилиб бажарган эканлар, бу хўжаликка ишнинг кўзини билиб ижодий раҳбарлик қилишнинг натижасидир, область қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари комплекс равишда ривожланаётганлигининг далилидир.

Бу йилги меҳнат ва кураш натижасини илгариги йилларга солиштирсак, областимиз колхозлари ва совхозлари барча соҳаларда олға томон катта қадам қўйганликлари маълум бўлади. Нарпай районининг меҳнаткашлари айниқса яхши натижага эришдилар. Улар пахта тайёрлаш планини областда биринчи бўлиб бажардилар, ҳосилнинг 40 процентини машиналарда териб олдилар. Пешқадамлар қатори маррага етган Хатирчи районида ҳам машина терими ҳал қилувчи роль ўйнади. Булунғур ва Каттақўрғон пахтакорлари планни муддатидан илгари адо этишди ва ҳозир қўшимча олинган мажбурият ҳисобига давлатга пахта сотишяпти.

Булунғур районидаги «Правда», Хатирчи районидаги Ленин номли, Нарпай районидаги «Самарқанд», Охунбобоев номли, Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли колхозлар, «Зарафшон», Улуғбек номли совхозларда план жуда эрта бажарилди, ҳосилдорлик анча кўтарилди, маҳсулотнинг сифати яхшиланди ва экономика мустаҳкамланди.

Пахта тайёрлаш плани бажарилди. Аммо пахтазорларда юбилей вахтаси давом этмоқда. Чунки ҳали далада анча ҳосил бор. Уни териш ва давлатга топириш қизғин борянти. Пахтакорларимиз ўз имкониятларини чамалаб кўриб, яхши ҳосилни 400 минг тоннага етказиш мажбуриятини олдилар.

Ҳозир даладаги ҳосилни тез суръатлар билан йиғиб-териб олиш билан бир қаторда, келгуси йил мўл ҳосилига мустаҳкам замин яратилмоқда. Ҳосил дан бўшаган майдонлар шудгор қилинмоқда. Кузги дон экиш яқин кунларда тугалланади.

С. УСМОНОВ,
Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари

● ●

ДЎСТОНА ВИЗИТ БИЛАН

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини байрам қилишда қатнашиш учун Афғонистон подшоси номидан шахсий вакил бўлиб Москвага келган сенат раиси Абдулло Ҳоди Дави ва сенатор Султон Аҳмад Ширзой ватанига қайта туриб, 13 ноябрь эртаҳаб Тошкентга келдилар.

СССР Олий Советининг депутати А. И. Данилов, СССР Ташқи ишлар министрлиги Ўрта Шарқ мамлакатлари бўлим мудири С. П. Кистев, СССР Олий Совети Президиуми бўлим мудирининг ўринбосари С. А. Бондаренко меҳмонларга ҳамроҳлик қилмоқдалар.

Тошкент вокзалида Афғонистон подшосининг шахсий вакилларини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси С. Ҳ. Сирожиддинов, республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари Ҳ. А. Асомов ва А. М. Қўчқоров кутиб олдилар.

Абдулло Ҳоди Дави билан Султон Аҳмад Ширзой Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси С. Ҳ. Сирожиддинов ҳузурида бўлиб, у билан дўстона суҳбатлашдилар.

Афғонистондик меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини, Республика Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтини кўздан кечирдилар. Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлдилар. Улар Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назоратига ҳам бордилар.

Афғонистон подшосининг шахсий вакиллари Ўзбекистонда бўлган вақтларида Самарқандга борадилар. (ЎзТАГ).

ОММАВИЙ ТИРАЖДА

КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисида шу йил 3 ноябрда қилган доклади ва якунловчи нутқи алоҳида китоб ҳолида ўзбек тилида нашр қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бирлашган нашриёти чиқарган бу брошюра юз минг нусхада босилиб чиқди.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Давлатга пахта топшириш йиллик планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар:

Фарғона области (Область партия комитетининг секретари ўртоқ **Ф. Шамсуддинов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **М. Иброҳимов**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **М. Йўлдошев**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиги ўртоқ **А. Маматхонов**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **М. Мирзаахмедов**, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **И. Х. Мун**, суғориш тармоқлари область бошқармасининг бошлиги ўртоқ **К. Расулов**);

Қорақалпоғистон АССР (область партия комитетининг секретари **Қ. Камолов**, автоном республика Олий Совети Президиумининг раиси **Д. Емишбетов**, автоном республика Министрлар Советининг раиси **Е. Айтмуратов**, область комсомол комитетининг секретари **С. Каньязов**, Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалик министри **Т. Наврўзбоев**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси **М. И. Кан**, «Узсельхозтехника» республика бирлашмасининг раиси **М. Рўзиметов**, Амударё суғориш тармоқлари бошқармасининг бошлиги **С. Жаманқараев** ўртоқлар).

Самарқанд области (область партия комитетининг секретари **С. Н. Усмонов**, область ижроия комитетининг раиси **А. Хўжаев**, область комсомол комитетининг секретари **М. Ҳасанов**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиги **М. Н. Истомин**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси **Т. Мирзакамолов**, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси **А. М. Аракелов**, суғориш тармоқлари область бошқармасининг бошлиги **Г. Ф. Фарҳодий** ўртоқлар).

Узбекистон области (район партия комитетининг секретари ўртоқ **А. Пайғамов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **С. Охунов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиги ўртоқ **И. Михайлов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **А. Эрнабоев**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Б. К. Мишетьян**, суғориш тармоқлари район бошқармасининг бошлиги ўртоқ **Мирсолиев**);

Беруний области (район партия комитетининг секретари ўртоқ **К. Нуримбетов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **А. Пиримов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиги ўртоқ **С. Алимов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Полвониёзов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Б. Аминов**, суғориш тармоқлари район бошқармасининг бошлиги ўртоқ **А. Хадиров**);

Гурлан области (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Х. Раҳимов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Қ. Урозметов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиги ўртоқ **Ш. Қурбонов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Г. Тожимова**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошлиги ўртоқ **К. Ражаббоев**, суғориш тармоқлари район бошқармасининг бошлиги ўртоқ **Б. Кенглибоев**);

Пахтакор области (район партия комитетининг секретари ўртоқ **В. Насриддинов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Б. Пирназаров**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Р. Жуманазаров**);

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Р. Л. АНАНЬЕВА, И. Ц. ЛАДИН ВА Р. РИЗАЕВГА «УЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашларни эстетик руҳда тарбиялашдаги хизматлари, маданият соҳасида кўп йиллар ва самарали ишлаганлиги учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин:

1. **Ананьева** Раиса Львовна — республика қўғирчоқ театрининг директори.
2. **Ладин** Иосиф Цемахович — Тошкент шаҳар халқ филармониясининг директори.
3. **Ризаев** Раҳим — Самарқандаги М. Горький номли рус драма театрининг директори.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.
Секретарь учун Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси
Ҳ. АСОМОВ.

1967 йил 11 ноябрь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

В. И. ЕВЕНКОГА «УЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНЪАТ АРБОБИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Санъат соҳасидаги катта хизматлари, кўп йиллик ва самарали ишлари учун рассом Виктор Иванович **Евенкога** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони берилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.
Секретарь учун Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси
Ҳ. АСОМОВ.

1967 йил 11 ноябрь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

С. Ф. АБДУЛЛАЕВ, А. Т. ПАТРАШКИН ВА П. РАСУЛОВГА «УЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНЪАТ АРБОБИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Санъат соҳасидаги катта хизматлари, кўп йиллик ва самарали ишлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони берилсин:

1. **Абдуллаев** Самиг Файзулович — рассом, Ўзбекистон ССР давлат санъат музейининг директори.
2. **Патрашкин** Александр Тимофеевич — Самарқанддаги Ҳамид Олимжон номли ўзбек драма театрининг бош рассоми.
3. **Расулов** Пўлат — Ўзбекистон илмий-оммабоп ва хроника-ҳужжатли фильмлар студиясининг кинооператори.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.
Секретарь учун Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Ҳ. АСОМОВ.

1967 йил 11 ноябрь, Тошкент шаҳри.

50 Юбилей хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 13 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

[Планга нисбатан процент ҳисобида]

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан бўёғи	Шу жумладан машинада: Бир кунда	Шу жумладан машинада: Мавсум бошидан бўёғи
ТОШКЕНТ	0,18	113,99	0,05	130,83
ХОРАЗМ	0,24	111,80	0,36	103,40
БУХОРО	0,31	110,23	0,51	106,60
СУРХОНДАРЁ	0,40	106,79	0,31	105,36
ҚҚ АССР	0,72	103,45	0,86	97,32
ФАРҒОНА	0,09	102,24	—	111,69
СИРДАРЁ	0,03	102,08	0,06	120,71
ҚАШҚАДАРЁ	0,10	101,17	0,03	101,90
САМАРҚАНД	1,01	101,03	0,57	101,96
Андижон	0,79	89,17	0,69	110,62
Республика бўйича:	0,42	101,46	0,33	111,92

НУРАФШОН ЎЛКА

Республикамиз нурчиларининг бу йилги қадами айниқса дадил. Ўзбекистон Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг корхона ва ташкилотлари коллективлари ўлкамизни нурафшон этиш учун кураш мусобақасида янгидан-янги зафарларни қўлга киритмоқдалар. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига олинган мажбуриятлар ортиги билан бажарилди. Станцияларда планга қўшимча 325 миллион киловатт-соат электр энергия ҳосил қилинди. Корхоналар ўз эҳтиёжи учун сарфлайдиган энергиядан 90 миллион киловатт-соатдан кўпроғи тежаб қолинди. Энергия ҳосил қилиш сарф-харажатларини камайтириш ҳисобига 2,8 миллион сўм иқтисод этилди.

Ўлкамизда кетма-кет янги энергетика қувватлари ишга туширилмоқда. Тошкент ва Навоий ГРЭСларида қудратли блоклар фойдаланишга топширилди. Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги арафасида Фарғона ТЭЦида 8- буғ қозони ва 5- агрегат монтажи тугалланди. Улар шу кунларда энергетикамиз қувватига-қувват қўшмоқда. Тошкент ГРЭСида 160 минг киловатт-қувватга эга бўлган 7- блок синаб кўрилмоқда. Бугун-эрта ана шу янги блок ҳам саноат учун кўплаб ток етказиб беради.

Энергетикларимиз қўлга киритган энг катта ғалабалардан бири уларнинг республика областлари ва районларини ёппасига электрлаштириш учун юриш бошлаб, бир қатор районларни ялписига электрлаштиришга муваффақ бўлганликларидир. Наманган ва Уйчи районлари, Жиззах ва Сирдарё, Хива ва Шовот, Бағдод ва Олтиариқ ҳамда Свердлов районлари муддатидан илгари ёппасига электрлаштирилиб бўлди. Қишлоқларни электрлаштириш соҳасидаги қурилиш-монтаж ишлари ўн ойлик плани 104,3 процент адо этилди. Утган ойлар мобайнида колхозчилар ва совхоз ишчиларининг 67 минг хонадони Ильич нурлари билан чароғон бўлди.

Тошкентда зилзила оқибатларини тугатиш учун ҳам зарур тадбирлар кўрилянти. Ботаника боғи, ОДО, Ҳадра ва бошқа жойларда йирик подстанциялар монтаж қилиниб бўлди. Ана шу подстанциялар ёрдамида шаҳар марказ энергия билан таъминланиб турадн. Шаҳарнинг икки уй-жой массиви электрлаштирилди. «Узсельэлектрострой» трестининг Андижон ва Қашқадарёдаги механизациялашган колонналари коллективлари беш йиллиннинг иккинчи йили топширигини муддатидан илгари бажардилар.

Бошланғич ташкилот—партиянинг асоси

КОММУНИСТЛАР САРДОРИ

Соат капгири иш кунининг тугаганидан далолат берди. Жумагул иш жойини тартибга келтириб, уёқ-буёқни кўздан кечирди. Ҳамма нарса жойида, озода. Кунлик норма ҳам ортиғи билан бажарилган. Шу пайт у коммунист Қаландаров билан учрашажаги, муҳим бир масала устида маслаҳатлашиб олиши кераклигини ўйлади. Бу Жумагул учун одат тусига кириб қолган. Хаёлига бирор фикр келдими, дарров коммунистлар билан. Карим ака Қаландаровга ўхшаган кўпни кўрган партия ветеранлари билан маслаҳатлашади, янгиликни, кўпчилик томонидан маъқулланган фикрни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун интилади.

Одатдагидек, Карим ака Жумагулни илиқ кутиб олди, унинг сўзларини диққат билан тинглади, сўнг:

— Балли, қизим. Бу ишинг таҳсинга лойиқ. Фикрингни бутун коллектив қувватлашига ишончим комил,— деди.

Шу кунларда Урганч пахта тозалаш заводининг ҳар бир ишчиси йиллик топшириқларни ошиғи билан бажариш иштиёқида меҳнат қилмоқда. Айниқса, коммунистлар ҳар бир ишда жасорат, шижоат кўрсатиб ишлаяптилар. Жумагул Жабборова ҳам худди мана шу коллективда меҳнат қилади. У оддий ишчи, коммунистлар сардори, икки-уч хил касб эгаси. Шунақа, бу ерда меҳнат қилаётган коммунистларнинг кўпчилиги бемалол бир неча турдаги ишни бажараверади.

Жумагул айрим коммунистлар, бригада ишчилари нима учун икки-уч хил касб ҳақида ўйламаётгани, бу ерда ҳар ким хоҳлаган ҳунарини ўрганишга имкон борлиги тўғрисида ўйланиб қолди. Ахир, бу, меҳнат унумдорлигини оширишга, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга, қолаверса бригада аъзоларининг ҳам моддий, ҳам маънавий манфаатларини кўтаришга ёрдам беради-ку. Натижада юбилей йили мажбуриятлари ҳам муддатидан олдин бажарилади.

Бу фикрни Карим Қаландаров ҳам, бошқа коммунистлар ҳам, бригаданинг ҳамма аъзоси қувватлади. Асосий қийинчилик коммунистлар зиммасига тушадиган бўлди. Партия группаси КПСС аъзоларининг ҳар бирини икки-учтадан ишчига биркитиб қўйди, ўқиш соатлари, машғулот муддати белгиланди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ. Ҳозир бригада аъзоларининг барчаси камида иккиучтадан касб эгаллаб олган. Масалан, Тўра Оллаберганови олайлик. У коллективга яқинда келган. Олдинлари колхозда ишларди. Аҳил ишчи онласи Тўрага яқиндан ёрдам берди, ўргатди. Т. Оллаберганов пресслаш бўйича мутахассис бўлиб етишди. Ёш ишчидаги ўз касбига бўлган муҳаббат партгруппоргга ёқиб қолди. Жумагул йигитга ишлаб чиқариш жараёнида асқотадиган яна бир касб ўргатди. Тўра Оллаберганов ҳозир ишлаб чиқариш прессининг ҳамма соҳасида бемалол ишлайолади. Ёш ишчи коммунистлар сардорининг кўрсатган ғамхўрлигидан беҳад миннатдор.

Партгруппорг... Бу шарафли вазифани ҳамма ҳам уддалай олмайди. Тўғрисини айтганда, партия группасининг ташкилотчиси бўлиш, коммунистларга, кўпчиликка йўл-йўриқ ўргатиш осон эмас. Партгруппорг ҳар бир коммунистнинг яқин маслаҳатчиси, ғамхўр дўсти бўлиши керак. Партия группасининг фаолияти маълум даражада унга раҳбарлик қилаётган ишининг иш фаолиятига, қобилиятига боғлиқ бўлади. Бригада коммунистлари Жумагул Жабборова партгруппорглик вазифасини топшириб янглишмаган эканлар. У шахсий намуна кўрсатиб, ўзининг жамоатчилик асосида бажараётган ишига алоҳида тус беряпти, коммунистларнинг ишончини оқлаяпти.

Бригада аъзолари шундай бир воқеани ҳикоя қилишди. Смена мастери Абдулла Матмуродов ўз касбидан кибрланиб, ҳеч кимни назар-писанд қилмай қўйди. У ишчилар билан қўпол муомалада бўлиб, коллектив ўртасида ножўя хатти-ҳаракатлар қилишгача борибетди, ишда масъулият сезмай қўйди. Шунда партгруппорг мастер билан суҳбатлашди, унинг бу ҳаракатлари яхшиликка олиб келмаслигини тушунтирди. Бироқ Абдулла қўпол жавоб қайтарди:

— Мен бу ерда биринчи йил ишлаётганим йўқ. Менга ўргатмай қўяқолинг,— тўнғиллади у.

Жумагул мастер коллектив ишига бўлган муносабатини ўзгартар деб ўйлаган эди. Лекин бундай бўлиб чиқмади. Абдулла Матмуродовнинг хулқ-атвори маъмурият билан келишилган ҳолда умумий йиғилишга қўйилди. Коммунистлар ўз ишидан масъулият сезмаган, коллективга нисбатан ҳурматсизлик қилган ишчини заводдан бўшатиш ҳақида бир фикрга келдилар. Маъмурият коммунистларнинг фикрини тўла маъқуллади.

Завод коммунистлари Жумагул Жабборова ҳақида, унинг жонкуярлиги, ишчанлиги ҳақида жуда кўп яхши гаплар айтишди. У билан учрашишга аҳд қилдим. Завод партия бюросининг секретари мени оддийгина, ҳушмуомала аёл билан таништирди. Унинг айтганларини дафтарчамга ёзиб олдим:

«Партия группамизда тўртта коммунист бор. Уларнинг ҳаммаси ташаббускор, ишчан кишилар. Масалан, Отабой Салоевни яқинда қўшни бригадага ишга ўтказдик. Негаки, қўшнимизнинг иши юришмай қолган эди. Шунда коммунист Салоев қолоқ бригадага ўтиш истагини билдирди. Ҳозир унинг ишлари яхши. КПСС аъзоси Салай Юсупов ҳақида ҳам мана шундай илиқ гапларни айтиш мумкин. Коммунист К. Қаландаров ҳалол меҳнати билан бутун завод ишчилари орасида обрў қозонган».

Икки оғиз Жумагулнинг ўзи ҳақида. У аввал колхозда ишларди. Отаси билан бирга пахтадан юқори ҳосил оларди. Беш йилдирки, у заводда ишлаяпти. Меҳнатга бўлган муҳаббат бу ерда ҳам уни элга танитди. Асосийси, коммунистлар унга зўр ишонч билдиришди. Жумагул партия ташкилоти томонидан берилган барча топшириқларни ўз вақтида намунали бажарди. КПСС аъзоси сафига ўтаётган пайтда умумий йиғилишда айтган гапларини тўла оқлади. Ташаббускор жамоатчи, ишчан ташкилотчи бўлиб етишди.

Ж. Жабборованинг бригадаси юбилей шарафига олинган социалистик мажбуриятни муваффақият билан бажарди. Коллектив узоқ вақтдан бери браксиз ишлаяпти. Кўпчилик ишчилар ўқиб, билимларини, ўз малакаларини оширмоқдалар. Бригада ҳаётида юз берган бундай катта бурилишда партия группасининг таъсири алоҳида сезилиб турибди.

Б. ҒАФУРОВ.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

Совет ҳокимияти барпо қилинганлигининг юбилей йили ишлаб чиқаришда янги-янги зафарлар билан якунланмоқда. Бу мусобақада кўпгина корхоналарнинг коллективлари алоҳида ташаббус кўрсатаётирлар. Машинасозлар ва химиклар, қурувчилар ва транспортчилар, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг меҳнаткашлари ҳар сменада планга қўшимча маҳсулот тайёрлаш учун нурашмоқдалар. Юқоридаги суратда Фарғона тўқимачилик комбинатининг ишчиси Эмене Осмоновани кўриб турибсиз. Унинг шу корхонада меҳнат қилабошлаганига 22 йилдан ошди. Ҳозир эса смена топшириқларини 120 процент адо этмоқда. Пастдаги суратда: Чирчиқ электрохимия комбинатининг ўз меҳнати билан иззат-обрў орттирган смена бошлиғи Анна Орехова.

Н. Муҳаммаджонов ва И. Глауберзон фотолари

«ХОТИНРАБОТ» ЁДГОРЛИГИ

ТЕРМИЗ, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Амударёнинг чап соҳилида, Термиз шаҳридан 30-40 километр узоқлиқда тўртбурчак шаклидаги тепалик бор. Қадим замонлардан одамлар уни «Хотинработ» деб аташади.

...Ривоятларга кўра бир жасур хотин шу чўл-биёбонда работ солдириб, сув чиқарган, боғу-роғ барпо этиб, муродмақсадига етган эмиш...

Яқинда бу ривоят ва мишмишларнинг асл-маъноси, сир-асрори очилди. Тошкент санъатшунослик институтининг профессори, санъатшунослик фанлари доктори ўртоқ Г. А. Пугаченкова раҳбарлигидаги илмий экспедиция аъзолари ўтган йили ёз ва кузда ўтказган текширишлар ва қазиш ишлари натижасида «Хотинработ» ўтмишнинг ноёб ёдгорлиги эканлиги аниқланди.

Эрамиздан олдинги биринчи аср ва эрамизнинг учинчи асрига мансуб бўлган бу нодир иншоот антик даврда ташкил топган бўлиб, қудратли Қушон подшолиги даврида тараққий этганлиги маълум бўлди.

«Хотинработ» Амударёнинг ўрта оқимида ташкил топган, юксак ривожланган қадимий манзилгоҳлардан бири бўлган. Тепа қазиб очилганда йирик хом ғиштлардан терилган девор ва уйлар, катта-кичик заллар топилди.

Олимларнинг фикрига кўра бу ерда қарийб 2000 йил муқаддам жуда йирик қишлоқ жамоалари бўлиб, катта майдонларда экинзорлар ва боғроғлар бўлган. Олимлар қадимий каналнинг 1,5 километр масофадаги изини ҳам топдилар. Экинлар ана шу канал орқали суғорилган. Бироқ, бу каналга сув қаердан келганлиги ҳозирча номаълум, Йирик қишлоқлар ва жамоаларнинг тарқалиб ва йўқ бўлиб кетишига ҳам шу каналда сувнинг қуриб қолганлиги сабаб бўлган.

Археология ва санъатшунослик фани учун муҳим аҳамиятга эга ва қиймматли бўлган, ичи ва ташқарисига Қушан ёзуви битилган катта сопол хум (ёғ, ғалла ва бошқа маҳсулотлар сақланадиган пишиқ сополдан қилинган каттакон кўза) идишнинг топилганлиги айниқса муҳимдир. Бу нодир топилмадаги ёзувларнинг маъносини аниқлаб, мазмуни чақмоқ учун топилган хум ленинградлик машҳур шарқшунос-лингвист В. А. Лифшицга юборилди. Ёзувлардаги маъно аниқланса Ўзбекистон жанубидаги антик даврнинг тарихи янада бой ва мукаммал материаллар билан тўлдирилади.

А. ҲАЛИЛОВ.

ТЕХНИКА САРОЙИ

БУХОРО, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Улуғ Октябрнинг ярим асрлик тўйи арафасида Бухоро шаҳрида кўп қаватли Техника саройга пойдевор қўйилди. СССР газ саноати министри А. К. Кортунов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари М. Мусахонов ўртоқлар бўлажак иншоот пойдеворига цемент қоришмасини қўйдилар ва Бухоро «Газопромстрой» қурувчиларини бино қурилишининг бошланиши билан табрикладилар.

Москва лойиҳачиларининг режаси асосида тиклакаётган Техника саройи 1970 йил апрелида фойдаланишга топширилади, область меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишни шу ерда ўтказадилар.

Т. ҚАЗИРОВ.

ҚАҲРАМОННИНГ ЙЎЛИ

Унинг номи ҳалигача кўпларга маълум эмас. Кўплар Фарғонадан Рўзимат Усмонов деган Совет Иттифоқи Қаҳрамони чиққанини яхши билишмасди.

Мен Усмоновнинг номини кейинги йилларда фақат бир неча газета ва китоблардагина учратдим.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Архив бошқармаси ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих ва археология институти тайёрлаган «Фронтдан хатлар» китоби қўлимга тушиб қолди. Унда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Р. Усмоновнинг Фарғона областининг колхозчиларига 1942 йил 16 апрелда йўллаган хати эълон қилинган. Усмоновнинг ўзи бу хатда «Фронтдаги жанговар ишларимга партия ва ҳукумат томонидан юксак баҳо берилганлиги мени ғоят қувонтирди ва ҳаяжонлантирди. Бу хабар менинг жонажон ўлкамга ҳам етиб борди. Мен ҳеч қандай улуғвор қаҳрамонликлар кўрсатмадим, фақат Ватан олдидаги жангчилик бурчимни садоқат билан бажардим, холос» деб ёзади.

Свердловскда чиққан «Уралликларнинг меҳнат жасорати» деган китобда эса Верх-Исетск металлургия заводининг собиқ обер-мастери Н. Козловский жангчилар билан металлурглар ўртасида бошланган мусобақани эслаб, Усмоновнинг номини тилга олади. «Жангларда бирида Рўзимат оғир яралинган эди... Заводимизнинг бутун коллективи уни кўриб келиш учун совга-саломлар билан йўлга чиққан ишчилар делегациясини кузатиб қолган. Лекин делегация ярим йўлда Усмоновнинг ўлими ҳақида машъум хабар эшитади... Туғишгандай яқин бўлиб қолган ўзбек йигити Усмоновнинг ўлими уралликлар учун оғир жудолик бўлган эди» деб хотирлайди у.

Лекин докторлар Усмоновни ўлим чангалидан олиб қолишган экан. У душманни Берлингача қувиб борган экан. Ўша Свердловскда яратилган бир фильм сабаб бўлиб қаҳрамоннинг изи топилди. Лейпциг шаҳрида ўтказилган қисқа метражли телефильмлар халқаро кўригида энг юқори мукофотга сазовор бўлган бу «Нурулло Базетов» фильмини яқинда бутун Иттифоқ томоша қилди. У Москва телевиденнеси орқали кўрсатилди. Эсингизда бўлса, ўша фильм қаҳрамони Свердловскдаги Верх-Исетск металлургия заводининг фахрий ишчиси Базетов жангчилар билан фронт орқасидагилар мусобақасининг бошланиш тарихи ҳақида гапириб, Усмоновни эслайди:

— Қирқ иккинчи йилнинг қаҳратон қиши эди. Кунларнинг бирида партком секретари цехимизга хушхабар олиб келди. Жанубий-ғарбий фронтда жанг қилаётган 21-армиянинг жангчиси, моҳир снайпер ва пулемётчи Рўзимат Усмонов мени мусобақага чақириб хат ёзибди. «Сен менинг акамсан, — деб ёзган эди у. — Мен — ўзбек. сен — татар. Сўлсанг ҳам бир онанинг болаларимиз. Ватан бизнинг онамиз. Мен душманга қирон келтиряпман. Сен эса пўлат етказиб беряпсан. Эҳ, бу ерда пўлат қанчалар кўп кераклигини билсанг эди... Кел, мен қанча фашистни ер тишлатганимни, сен эса пландан ташқари қанча пўлат қуйганингнинг ҳисобини олиб борайлик. Мусобақалашайлик. Уканг Рўзимат Усмонов...».

Кейин Базетов бу ўзбек йигитининг чақиригига жавобан бутун маҳоратини ишга солиб, печнинг ҳар квадрат метр подидан 3.5 ўрнига 16 тоннагача пўлат олишга эришгани, бу мусобақанинг аввал заводга, кейин бутун Иттифоққа ёйилгани ҳақида ҳикоя қилди. Уруш Рўзимат билан ўрталарига оғир жудолик солганини, ундан айриліб қолганини айтиб Рўзиматнинг суратини экран орқали кўрсатади. Мана, ўша қаҳрамон ўзбек йигитидан менга қолган бирдан-бир эсдалик дея...

Худди шу куни Ёзёвонда дув-дув гап тарқади. «Ахир Рўзимат ака тирик-ку! Неча йилдан бери районда гидротехник бўлиб ишлаяпти-ку! Нимага шу вақтгача индамай юрган экан?.. Одамлар уни қидириб топишди. Телеграмма йўллашни маслаҳат беришди. Рўзимат ака ўзига қолса, чорак аср индамай юрганн етмагандай яна телеграмма беришим шартмикан. безовта қилмасмиканман деган мулоҳазаларга бориб юрарди. У одамларнинг қистови билан эртасига «Свердловск. Телестудия. Мен ҳаётман. Акам. мусобақадошим Базетов билан учрашмоқчиман» деб телеграмма берди.

Орадан кўп ўтмади. Свердловскда чиқадиган «На смену» газетасининг мухбири Г. Чукарев Фарғонага етиб келиб. Усмоновни олиб кетди. Бири фронт орқасида туну кун мартен ёнидан жилмай пўлат қуйган, иккинчиси шу пўлатдан тайёрланган ўқ-дори, қурол-яроғ билан душманга ажал уруғини сочиб ғалабани яқинлаштирган икки мусобақадош — Базетов ва Усмонов чорак асрдан кейин учрашдилар. Дўстлик иплари яна уланди.

Рўзимат ака икки ҳафта фақат металлургларнинг эмас, бутун уралликларнинг меҳмони бўлди. Меҳнат ветеранлари билан, оталарининг ўрнини босган ёшлар билан учрашди. Ғалаба кунларини яқинлаштирган мартенлар ёнида бўлди. Рўзимат ака умрида пўлат эритмаган. Лекин унинг номи энди бир умрга Верх-Исетск металлургия заводининг фахрий металлургиди қаторига ёзиб қўйилди. У бундан чорак аср муқаддам бошлаб берган мусобақаси билан шу шарафли номга сазовор бўлди. Ўша вақтда шу мусобақа туфайли металлург Базетов пўлат эритишда рекорд қўйиб, Ленин ордени билан, Усмонов эса фашистларга қирон келтириб Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган эди.

Бу йил Рўзимат аканинг мусобақадоши, фахрий металлург Базетов ҳам фарғоналикларнинг азиз меҳмони бўлди. Дунёга донги кетган Катта Фарғона каналини бориб кўрди. Ёзёвонни айланди. Рўзимат ака ҳам ўттиз тўққизинчи йилда 160 минг киши қаторида кетмон кўтариб каналга чиққанлардан. У шу канал қурилишидан аскарликка кетганича етти йилдан сўнг қайтиб келган. Шундан бери сувчи — гидротехник.

— Биз ўз касбимиз билан ҳар қанча фахрланса арзийди, Рўзимат, — деди Нурулло Базетов, — Металлург Ватанга пўлат берса, сувчи пахта беради.

Фарғонада ҳам Ураллагидек тантаналар, учрашувлар бир неча кун давом этди. Базетов Фарғонанинг фахрий ирригатори бўлиб қолди. «Нурулло Базетов» фильмининг авторлари эса унинг иккинчи қисмини Марказий Фарғонада суратга олишга киришиб кетдилар. Бу энди Совет Иттифоқи Қаҳрамони Рўзимат Усмонов ҳақида, унинг чорак асрдан кейин мусобақадоши, металлург дўсти билан топишиши, энди биринчи марта Қаҳрамонлик нишонини кўкрагига тақиши ҳақидаги фильм бўлади. Энди унинг қаҳрамонлиги ҳаммага маълум ва машҳур бўлади.

М. МАНСУРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОКТЯБРНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ ВА ХАЛҚАРО ИШЧИЛАР СИНФИ

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига ҳамда жаҳон ишчилар ва революционозодлик ҳаракатининг ҳозирги вақтдаги проблемаларига бағишланиб, 11 ноябрда Москвадаги Кремль театрида халқаро илмий конференция очилди. Конференцияни халқаро ишчилар ҳаракати институти ўтказмоқда.

Конференция президиумида — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, бир қанча коммунистик ва ишчи партияларнинг раҳбарлари, халқаро ишчилар, демократик ва миллий озодлик ҳаракатининг таниқли арбоблари, касаба союз арбоблари, совет ва чет эл олимлари ўтиришибди. Конференцияга 70 дан кўпроқ мамлакатдан вакиллар келган.

Халқаро ишчилар ҳаракати институтининг директори, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Т. Т. Тимофеев кириш нутқи сўзлади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов сўзга чиқиб, Конференция қатнашчиларини табриклади.

Совет кишилари ва улар билан бирга қардош социалистик мамлакатларининг халқлари, меҳнаткашлари ва уларнинг ташкилотлари, ҳамма қитъаларда империализмга қарши, тинчлик ва озодлик учун курашувчилар, деди М. А. Суслов, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини тантанали нишонладилар. Ярим асрлик юбилей жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга воқеадир.

Октябрь, унинг идеялари ва қилган ишлари бутун инсониятникидир, деб уқтириб ўтди М. А. Суслов. — Октябрь жаҳонни революцион янгилашдан иборат буюк жараённи бошлаб берди. Мана энди ҳозир, мана шу юбилей кунларида биз халқаро революцион ҳаракатнинг барча асосий отрядлари: жаҳон социалистик системаси мамлакатларининг меҳнаткашлари, капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфи, Осиё, Африка, Латин Америкаси халқларининг миллий озодлик ҳаракати нақадар зўр ютуқларни қўлга киритганликларини кўриб турибмиз.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг докладида, чет эллардан келган меҳмонларнинг Москва, Ленинграддаги ва Совет Иттифоқининг бошқа шаҳарларидаги юбилей тантанали мажлисларида сўзлаган нутқларида бу ютуқларга муносиб баҳо бериб ўтилди. Жаҳон революцион процесси кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда.

Жаҳон революцион ҳаракатининг турмуш келтириб чиқараётган актуал проблемаларини, социал ва миллий озодлик учун меҳнаткашлар олиб бораётган курашдаги янги ҳодисаларни диқкат ва эътибор бериб ўрганиш — назарий фронт ходимларининг бурчи. Барча мамлакатлардаги марксист олимларнинг энг муҳим вазифасидир.

М. А. Суслов КПСС Марказий Комитетининг «Октябрь 50 йиллиги ва халқаро ишчилар синфи» проблемасига бағишланган халқаро конференция қатнашчиларига табриконмасини ўқиб берди.

КПСС Марказий Комитети, дейилади шу ҳужжатда, жаҳон ишчилар ҳаракати ва миллий озодлик ҳаракатининг атоқли арбобларини, халқаро илмий конференцияда қатнашаётган таниқли олимларни қизғин табриклайди.

Марксизм-ленинизмнинг ишчилар синфининг жаҳоншумул тарихий миссияси тўғрисидаги жуда муҳим қоидаси тўғрилигини ўтган ярим аср исботлаб берди. Ишчилар синфи эксплуататорлар тузумини ағдаришда ва янги социалистик ижтимоий-иқтисодий формацияни бунёдга келтиришда раҳбар куч бўлди. Халқаро ишчилар синфи ва унинг маҳсули бўлган жаҳон социализм системаси жаҳондаги ижтимоий ривожланишга тобора нўпроқ таъсир ўтказмоқда.

Империализм агрессив кирдинорларини кучайтираётган шароитда, дейилади табрикномада, халқаро революцион ишчилар ҳаракати ўзининг жанговар сафларини пролетар интернационализм принциплари асосида мустаҳкамлашни ўзининг бурчи, деб ҳисоблайди. Вьетнамнинг қаҳрамон халқига ҳар томонлама, тобора кўп ёрдам бераётган, араб халқларининг империализмга қарши одилона курашини қўллаб-қувватлаётган КПСС, бутун совет халқи халқаро ишчилар синфи билан, қардош социализм мамлакатлари билан, миллий озодлик ҳаракатининг кучлари билан битта интернационал сафда туриб, империализмга қарши, социализм, миллий озодлик, демократия ва тинчлик учун курашмоқдалар. Босиб ўтилган йўлга Октябрь революциясининг 50 йиллиги чўққисидан қараб туриб, марксчи-ленинчилар турмуш илгари сураётган вазифаларни тағин ҳам яхшироқ ҳал қилмоқ учун муҳим хулосалар чиқармоқдалар ва сабоқ олмоқдалар. Муҳим хулосалардан бири шуки, марксизм-ленинизм назариясининг софлиги учун, ишчилар ҳаракати тажрибасини умумлаштириш асосида бу назарияни янада ривожлантириш учун нураш ҳамиша революцион ишга, социализм манфаатларига аниқ хизмат қилиб келди. Сизларнинг конференциянгиз халқаро ишчилар ҳаракатининг ва бутун озодлик ҳаракатининг бой тажрибасини ўрганишга, умумлаштиришга қатта ҳисса қўшади, бу ҳаракат проблемаларини марксчи-ленинчиларнинг коллектив куч ва ғайрати билан чуқур ишлаб чиқиш ишига қумаклаша беради. Бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Конференция қатнашчиларига катта самарали муваффақиятлар тилаймиз.

Сўнгра КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев Октябрь революциясининг 50 йиллиги ва ҳозирги замон ишчилар ҳаракати ҳақида доклад қилди.

(ТАСС).

ХУШХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

КОРХОНА ФОНДИ ҲИСОБИГА

Андижондаги мой-ёг комбинатида корхона фонди ҳисобига кенг экранли кинотеатр қурилди. Бу ерда бадиий фильмлар билан бир қаторда техникага оид фильмлар ҳам намойиш қилинмоқда. Шанба куни кинотеатрда болалар учун кино кўрсатилади.

ЯНГИЛАНГАН МОТОРЛАР

Нукус ремонт заводининг коллективи юбилей йили марраснни эгаллади. Қорақалпоғистон АССРдаги колхоз ва совхозлар 2 мингга яқин янгиланган автомобиль, трактор ва электр моторлари, плондан ташқари қайта ускуналанган юздан кўпроқ «замонгори кема», яна фойдаланиш учун юборилган кўп миқдорда запас қисм ва деталларни олдилар. Ремонтчилар юбилей йили жамғармасига плондан ташқари 9 минг сўм фойда қўшдилар.

Завод коллективи йил охиригача яна 400 моторни янгилаб беришга ахд қилди.

ҒОЛИБЛАРГА

Узбекистон кўмир хавзасининг етакчи корхонаси бўлган кўмир разрезининг коллективи мамлакат кончилари Октябрь олди мусобақасида ғолиб чиқди. Корхона коллективи истеъмолчиларга топшириқдан ташқари 50 эшелондан кўпроқ ёқилғи жўнатиб, Совет ҳокимиятининг ярим асрлик юбилейи шарафига ўз зиммасига олган мажбуриятини муддатидан олдин бажарди.

Эришган муваффақиятлари учун Оҳонгарон кончиларига СССР кўмир саноати министрлиги билан кўмир саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг Эсдалик байроғи топширилди.

Бахт

— Уттиз йилки, шу цехда ишлайман, заводга илдиз отганман. Кўз очиб кўрган ишхонам шу.

Дарвоқе, унинг сочларига қачон «қиров» қўнди экан? Балки, қирқ биринчи йилда, Қизил Армия Ростовни ташлаб чиқиб кетаётганидадир. Эҳтимол унинг сочига қирқ иккинчи йилнинг ёзида оқ оралагандир. Уша йили у бошлиқ бўлган тўпчилар батареяси фашистларнинг роса таъзирини берган эди-да. Ким билади дейсиз, қариликка аломати балки Берлин остоналарида бўлган жангда пайдо бўлгандир.

Маҳмуд ака хизматини пеш қиладиганлардан эмас. Бундоқ ўйлаб қарасак, баъзи бировларнинг мардлиги, қаҳрамонлиги бамисоли юлдуздек, чўғдек ярқ этиб кўзга чалинади. Шундай одамлар ҳам борки, уларнинг таржимаи ҳоли дафъатан қизиқ кўринмайди. Бу хил одамлар ҳам умрбод зўр бериб ишлашган, зарур бўлганда жонларини фидо қилишга ҳам тайёр туришган. Тақдири юлдуздек порлаб турган кишиларнинг ҳам, босиб ўтган йўли ярқ этиб кўзга ташланмайдиган одамларнинг ҳам одамийлиги, руҳан гўзаллиги, вақти келганда фидоийлиги ҳаммамизни танг қолдиради.

Маҳмуд Абдураимов донг таратган одам эмас. Лекин у ҳаммавақт — эл бошига иш тушганда ҳам, меҳнат майдонида ҳам ҳамиша бурчини садоқат билан ўтади.

Яхши ишлаган, яхши яшайди, деган эди Алексей Максимович Горький. Маҳмуд Абдураимов меҳнатидан, эл хизматида туриб, беминнат ишлаётганидан бахт топган минг-минглаб ишчиларнинг биридир. Абдураимовлар оиласи фаровон яшаяпти. Оиланинг даромади фақат Маҳмуд ака ва унинг ўғли Хусниддин оладиган маош билан чекланмайди, албатта. Бу оила кириминнинг бир қисми, холос. Ҳар бир меҳнаткаш оила бюджетини, шу жумладан Маҳмуд ака рўзғори бюджети ҳам мамлакат хўжалигининг бир хужайраси десак тўғри бўлади. Партия ва ҳукуматимизнинг совет халқи фаровонлигини янада ошириш тўғрисида яқиндагина чиқарган қарори бунинг ёрқин далилидир. Маҳмуд аканинг умр йўлдоши Гулкен опа Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлайди. Янги қарорга кўра унинг маоши ойига 15 сўм ортади.

Завод иқтисодчилари ҳисоб-китоб қиляб кўришди. Партия Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларига кўра корхона ишчилари оладиган қўшимча даромад йилига 60 минг сўмдан ҳам ортар экан.

Оилада ишловчи қанча бўлса, даромад ҳам шу қадар кўпайиши ҳаммага маълум. Лекин, бу ҳисоб-китобнинг мукаммал эмаслигини айтиб ўтиш керак. Агар Абдураимов ишлаётган завод касаба союз комитетига кириб суҳбатлашсак, бу масала яна ҳам ойдинлашади. Корхонанинг болалар боғчалари ва яслиларида 600 ишчи-хизматчи болалари тарбияланар экан. Давлат ясли ва боғчада тарбияланаётган ҳар бир болага ойига 35 сўм сарфлайди. Ота-оналар ҳар бир бола учун бор-йўғи 5 сўм тўлашади. Қолганини давлат кўтаради. Бундан ташқари заводнинг пионер лагери ҳам бор. Ёз давомида лагерь қучоғида 350 бола дам олади. Йўлланма 36 сўм турса ҳам ота-оналар бор-йўғи 10 сўм пул беришади, холос. Агар Маҳмуд ака болаларидан учтаси ҳар йили пионер лагерида уч ойдан дам олишини айтсак, оиланинг қўшимча даромади яққол кўринади-қолади.

Зилзила Маҳмуд ака уйига ҳам анча шикаст етказди. Корхона Абдураимовга ёрдам тариқасида еб кетарга 150 сўм пул ва текинга зарур қурилиш материаллари берди. Бошқа кўп оилаларга ҳам шу тарика ёрдам кўрсатилди. Корхона зилзиладан зарар кўрганларга жами 30 минг сўм берибди. Булардан ташқари, корхона фондидан ишчиларга ёрдам тариқасида 16 минг сўм берилди. Энди бу, ишчининг чўнтагига тушаётган қўшимча даромад-да.

Корхонада ишлаётган ҳар бир ишчи, демакки унинг оиласи ҳам социал суғурта ва социал таъминот фондларидан баҳраманд бўлади. Корхона фонди ҳисобига кўплаб уй-жой ҳам қурилмоқда. Сўнгги уч йилнинг ўзидагина 500 ишчи оиласи янги уйларга кўчиб кирди. Хўш, ҳурматли газетхонга бу гапларни айтишдан мурод нима? Ҳаммага маълумки, дейиши мумкин. Ҳамма гап шундаки, давр шарофати бўлган, чет элликка мўъжиза бўлиб кўринадиган баъзи фактларни дафъатан илғаб ололмаймиз. Ишчи Абдураимов ҳонадонида телевизор, радиоприёмник, холодильник, кир ювиш машинаси, хуллас тўкин-сочинлик ва рўзғорнинг бутунлигини кўриб, шундай бўлиши керак, деб ўйлаймиз. Лекин бундан бор-йўғи ярим аср илгари Туркистон аҳолиси электр чироқ нималигини билмас эди. Гапнинг мағзи ана шундадир.

Абдураимов оиласи каби ҳонадонлар Тошкентдаги тепловоз-вагон ремонт заводида жуда кўп, мамлакатимизда эса сон-саноқсиз. Маҳмуд ака оиласининг аркони давлати шундаки, у совет даврида яшаб ишламоқда, ўз тақдирини ўзи яратмоқда.

Е. ВИЛЕНЧУК,
Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводи.

Республика пойтахтининг биқинида ҳам йирик балиқчилик хўжалиги бор. «Дамачи» балиқчилик хўжалигининг коллективи Тошкент шаҳар аҳолисини балиқ билан таъминлашда янги зафарларга эришмоқда. Шу йилнинг ўзида Тошкент область Калинин районидаги бу хўжалик меҳнаткашлари 3500 тонна балиқ тайёрлаб топширдилар. Бу хўжаликда балиқчиликни ривожлантириш, унинг хилларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш тадбирлари кўрилмоқда. Чапдаги суратда: Балиқ хўжалигининг илғор ишчиси Рустам Раимов ва бригадир Мамасодиқ Мадумаров. Ўнгдаги суратда: хўжаликда балиқ овлаш тасвирланган.

И. Глауберзон фотолари.

ШУҲРАТ.

МЕҲРУ ОҚИБАТ

БАЛЛАДА

Инқилобнинг бонги янграб
Ўтди ўлка кўкидан.
Конда ишчи, қирда деҳқон
Мамнун бахту эриндан...
...Баҳор чоғи, тонг отарда
Келди элга хушхабар.
Хушхабарни, бир қаторда:
Фахру виқор, бахт, зафар.
Тонг отарнинг нуридан тез
Ҳар хонани тўлдирди.
Ҳар эшикнинг зулфин қоқиб
Ҳозирлигинг кўр, дерди.
Бир хабарни, кўпдан бери
Муштоқ эди элу юрт.
Элу юртни, изларини
Кўзларингга, дерди, сурт!
Хушхабарни, Ленин келиб,
Бунда меҳмон бўларкан.
Эл ҳолини ўзи кўриб,
Ўзи дармон бўларкан.
Ўзи кезиб шаҳру қишлоқ
Ўзи бир-бир кўрармиш.
Ҳар меҳнаткаш аҳволини
Ўзи бир-бир сўрармиш.
Қандай шараф, қандай бахтки,
Ленин ташриф буюрса.
Ўзи очган бу юрт кўрини
Ўзи келиб бир кўрса!
Бу кекса юрт шукна яшаб,
Шунча тарих яратиб,
Илму ҳикмат, шеъриятдан
Шунча доврук таратиб,
Баъзан жоҳил жаҳонгирдан
Қиличида қон қотиб,
Баъзан ширин туш кўргандек
Уз кучи-ла шон тотиб,
Не-не азиз меҳмонларга
Езган улкан дастурхон.
Лекин бундай улуғ бир зот
Бўлмаганди ҳеч меҳмон!
Қуёш чиқди юрагидан,
Нур ёғилди кўксига.
Чақмоқ чақиб тилагидан
Олам кирди кўзига.
Чевар тикди зарбоф тўнин
Елнасига ташлаб деб.
Қўбизнин созлар бахши
Янги достон бошлаб деб.
Ишномида асраб қўйди
Боғбон сара узумин.
Йўлларига мушток бўлиб
Кўзин тикди узоқ кун.
Бўрдоқига боқди чўпон
Қора қўйнинг қўзисин.
Пойларига сўяман дер,
Йўл чарчоғи тўзисин.
Кунгай ерга сочди деҳқон
Сариқ мағиз бўғдойин.
Фахрланиб дейди ҳамон:
Кўрмагандир бундайин!
Нонвой қурди янги тандир,
Яхши ният, ўй билан.
Кутсин дейди элим уни
Иссиқ нону куй билан.
Косиб тикар ихлос билан
Этигини дўндириб.
Ҳовлисида ўсган гулдан
Чеккасига қўндириб.
Шанарпазнинг қозонида
Қайнар ҳолва, қандолат.
Дўпписини кўз-кўз қилар
Ленинга деб Адолат.
Уста ошпаз ўзин чоғлаб,
Уша кунни кутади.
Уша куни ихлос билан
Янги капгир тутади.
Аппон дейди ойни ўзим
Дамламасам бўлмайди.
Ўртоқ Ленин тотмасалар
Асти кўнглим тўлмайди.
Чавандознинг оти тайер,
Йилтиллайди сағрини.
Миниб доҳим неэсин дейди
Улкам боғ-роғ, қиринни.
Ҳар хонада бир ҳозирлик,
Ҳар юранда эўр ният.
Ҳаммасига сабабкордир
Инқилобий қуррият!
Шаҳар кутди, қишлоқ кутди,
Кутди яйлов, кутди боғ,
Кутди деҳқон, кутди чўпон,
Кутди ишчи — қалби тоғ!
Кутди барча мамнун бўлиб,
Йўлларида интизор.
Ҳар юраннинг унга айтар
Кундай иссиқ сўзи бор.
Ҳурмати бор, садоқати,
Хизмат бўлса ўзи бор.
Истиқболга боқишда-чи,
Ўзи берган кўзи бор!
Кутди ўлка... бироқ Ленин
Келолмади вақт топиб.
Ҳамон ўлкам уни кутар
Йўлларидан бахт топиб.
Эрклин топиб, қадр топиб,
Топиб обрў, хушрўй ном,
Ҳар кун тонгда таъзим билан
Дейди унга: — Ассалом!
Келмаса ҳам бизга ўзи,
Келган доно ҳар сўзи.
Ҳар ўгити, таълимоти,
Унинг билан келгуси!
Ҳар юранда зарраси бор,
Ҳар бир кўзда эиёси.
Меҳри билан мангу тўлиқ
Бахтли инсон дунёси.

1967 йил, сентябрь.

ЯХШИ КИШИЛАРИМИЗ

МЕҲРИБОНЛАР

Эшикдан кирдигу, гуллар чаманига кўзимиз тушди. Ишкомдаги марваридек узумларни айтмайсизми? Биллурдек сувлар ариқчаларни тўлдириб куй куйлаб ётибди.

Мана, Қибрайдаги 390-ҳовли. Турли ноз-неъматлар билан безатилган стол атрофида кўёв, келин, ўғил-қиз, невералар. Тўрда Жамила хола ва Назрулла ака ёнма-ён ўтиришибди. Булар бутун хонадонларнинг кўрки, файзи бўлган мўътабар онахонларнинг эллик етти ёшга тўлган куниии муборакбод этиш учун тўпланганлар.

Бу оилада шундай йил тўйларини ўтказиш анъанага айланиб қолган. Халқимизда маслаҳатли тўй тарқамас, деган гап бор. Дарҳақиқат, ҳамма жойда, оилада ҳам, ишхонада ҳам маслаҳат билан иш тутсанг, аҳил бўлсанг ҳамма вақт ҳурмат кўрасан. Бу оилани олимлар оиласи деса бўлади. Бу гапнинг боиси бор, албатта. Бу хонадондаги оила аъзоларининг кўпчилиги доцент, фан кандидатлари.

Оила бу кунга осонликча етишмаган албатта. Оила бошлиғи Назрулла аканинг ҳаёт йўли кўпчилик ёшлар учун ибрат бўлса арзийди. Назрулла ака 1935 йилда Ўрта Осиё пахтачилик институтини биринчилар қаторига тамомлади. Сўнг колхозларда агрономлик қилди. Уруш вақтида Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институтида илмий ходим бўлиб ишлади. 1951 йили Оржоникидзе районидаги Қибрай қишлоғидаги қолоқ колхозлардан бирига раис қилиб тайинланди. Уч-тўрт йилда бу колхоз илғор хўжаликлар қаторига кўтарилди. Ундан кейин Назрулла ака кандидатлик диссертациясини ёқлади ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган унвонга муяссар бўлди. Кейинча Назрулла ака Узбекистон қишлоқ хўжалик министри лавозимига кўтарилди. Пахтачиликнинг ипидан-игнасигача билгани учун Назрулла Маннонов 1961 йили Кубага пахтачилик бўйича бош маслаҳатчи бўлиб бориб, икки йил ишлаб келди. Кубадан келгач, яна Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институтида директор бўлиб ишлади. 1966 йили Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари қилиб тайинланди.

Маннонов ҳозирги кунда Бутуниттифоқ пахтачилик илмий текшириш институтининг директори бўлиб ишламоқда. Яқинда кўп йиллик самарали меҳнати учун Назрулла акага «Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган унвон берилди.

Назрулла ака эл-юртга хизмат қилиш билан бирга болаларининг илм олишига кенг шароит яратиб берди. Жамила хола эса ўғил-қизларининг, келин-кўёвларининг тарбияси, бир-бири билан аҳил, иноқ бўлиши учун жон куйдирди.

Оилада катта ўғил Ғайрат — экономика институтини тамом қилган. У колхозларда оборот маблағининг аҳамияти ҳақида диссертация ёқлаш учун республика колхозларида тажриба олиб боряпти. Кичик ўғил — Неъмат политехника институтининг механика факультетини тамомлаган. Ҳозир Ўрта Осиё табиий газ илмий-текшириш институтида диссертация устида ишлаяпти. Бухоро ва Тожикистондаги газ конларида тажриба ўтказяпти. Унинг аниқлашича, илгари газдан чиқариб ташланаётган суюқликдан бензин ўрнида қўлланса бўлар экан. Масалан, мана шу суюқлик қуйилган машина тинка кетган тоққа ҳеч қандай шикастсиз кўтарилади. Демак, бу суюқликдан фойдаланиб, кўпгина бензинни тежаш мумкин. Назрулла аканинг қизи, Азиза — биология фанлари кандидати, Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институтида катта илмий ходим. Фарида эса ТОШМИда педиатрия факультетининг бешинчи курсида ўқийди. Яна бир қизи — Раҳима Химия институтида илмий ходим. Келини Фарида — Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институтида кичик илмий ходим. Москва давлат университетини тугатган иккинчи келини Ҳолидахон эса Узбекистон Фанлар академиясининг ядро физикаси институтида ишлайди. Кўёви Собиржон Шомансуров — Тошкент медицина институтида Нормал физиология кафедрасида ассистент, у ҳам диссертация устида иш олиб бораяпти. Иккинчи кўёви Тўйчи Ғофуров — кимё фанлари кандидати, кимё институтида синтетик толалар лабораториясининг бошлиғи.

Назрулла ака билан Жамила хола биргина ўз оиласидагина эмас, бутун қариндош-уруғлар, маҳалла-кўй учун ҳам қўлидан келадиган меҳнатини, яхши маслаҳатларини, фикрларни аямайди.

Назрулла аканинг ўзи отасидан ёш қолишига қарамай, фарзандлари қатори укаларини ҳам ўқитди, уй-жойли қилди. Укаларидан Абдулла Маннонов Октябрь районидаги 16-мактабда ўқитувчилик қилади. Иккинчи укаси Убайдулла экономика институтини тамом қилган. У ҳозир область молия бўлими бошлиғи. Синглиси Маҳфуза фармацевтика институтини тамомлаган. Улар Назрулла аканинг яхшилигини сира унутмайдилар.

Кечалари мизжа қоқмай, оқ ювиб, оқ тараган, ақл-одоб ўргатган мўътабар, табаррук онахонимиз Жамила хола нинг хизматлари зое кетмади, албатта. Отаонанинг умид, ишончларини фарзандлари сутдан зиёда оқладилар, элда ҳурмат топдилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Назрулла ака ўз оталик бурчини аъло бажарди. Мана ҳозир атрофида болалари гирдикапалак. Улар ўқиб, ўрганиб билим чашмасидан баҳраманд бўлдилар. Бундан отаонанинг қувончи чексиз.

Раҳима МУҲСИМОВА.
Тошкент области.

НУРХОН КИНОТЕАТРИ

Улуг байрам арафасида Фарғона шаҳрида янги, 900 ўринли кенг экранли кинотеатр фойдаланишга топширилди.

Янги кинотеатрга биринчи актриса Нурхон номи берилди. Бу давримиз тонгида ёруғликка интилиб юз очиб саҳнага чиққан Нурхон Йўлдошева хотирасига қўйилган муносиб ҳайкалдир.

М. МАНСУРОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

ДАЛА МАФТУНИ

Ҳа, Назира опа чинакамига далалар ошиғи, мафтуни. Назира опа ишчи оиласида — Тошкент атрофидаги Чоштепа қишлоғида туғилган, Абдуғани ота шаҳарда меҳнат қилар эди. Тақдир экан, Назиранинг бўйи етиб, уни узатишди. Улуг Ватан уруши йиллари эди ўшанда. Кўпчилик оила бошлиқлари, йигитлар ғитлерчилар билан олишгани, она-Ватанни ёвуз душмандан сақлаш учун жангга жўнашган. Колхозда ишчи кучи кам. Шу сабабли даладаги меҳнатнинг асосий оғирлиги аёллар зиммасида эди. Тўй ўтганидан кейин кўп ўтмай Назираларнинг дарвозасини бригадир тақиллатди. Тащқарига қайнонаси Убайда хола чиқди.

— Келинг, болам, — кампир бригадирни ичкарига таклиф этди.

— Раҳмат, хола, — бригадир миннатдорчилик билдирди. — Узингизга маълум, аҳвол анча оғир. Далаларимизда пахта чамандай очилиб ётибди. Қўл етишмаяпти. Агар иложи бўлса...

— Тушунарли, болам, тушунарли, — Убайда хола бригадирнинг гапига дарҳол тушунди. — Кеча келин билан, ўғлим билан шу тўғрида гаплашувдим. Эртага этак тутиб, бирга далага чиқамиз.

Шу-шу бўлдию, Назира опанинг тақдири далага, пахтазорга пайванд бўлди-қолди. Дастлабки йиллари оддий колхозчи бўлиб ишлади яслида колхозчиларнинг фарзандларини тарбиялади, колхоз кутубхонасида мудирлик қилди. Иш билан нечоғли банд бўлмасин, ўз устида ишлашни, билимини оширишни ҳам унутмади. Қишлоқ ёшлари кечки мактабининг 10-синфини тамомлади.

Аммо, унинг қалби ҳамиша далага талпинар, ишдан бўш бўлди дегунча далада тер тўкаётган ҳамқишлоқлари ҳузурига шошарди. Гўё пахтазор уни чорлаётгандек туюларди. Ниҳоят, кунларнинг бирида учдагилар билан гапни пишитиб, раиснинг олдига ариза кўтариб кирди. Раис уни синчиклаб ўқиб кўргач:

— Ҳозирча бир нима дея олмайман. Кечкурун правление аъзолари билан маслаҳатлашиб кўрай. Жавобини эртага оласиз, — деди.

Кўпчилик Назира опанинг илтимосини кондиришга розиболди. Ҳатто «Ажойиб меҳнатсевар аёл у. Кўзи дала ишларига анча пишиб қолди. Унга бригадирликни ишонсак ҳам эплай олади», — дейишди.

Бу таклиф аввалига Назира опани бир оз чўчитди, «Қандай бўлар экан? Бордию, эплай олмасам, билдирилган ишончни оқлай олмасам халқ, ҳамқишлоқларим олдида нима деган одам бўламан?» — дея ўйлади у. Лекин, колхоз раҳбарлари, ёру дўстлари далда беришди.

— Инсоннинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Дадил бўлавер.

Бу воқеа 1961 йили бўлган эди. Назира опа эрта кўкламданоқ бригада аъзолари билан ҳамжиҳат бўлиб иш бошлади. Ўзи ёш бўлса ҳам кўпчиликка бош бўлди. Колхозчиларнинг кўнглига йўл топишга қаракат қилди. Пил охиригача ҳамма фидокорона меҳнат қилди. Назира опа бригада аъзоларига, колхозчилар Назира опага меҳр қўйиб қолишди. Мана шу ҳамжиҳатлик туфайли Назира опа Йўлдошева бош бўлган бригада Ўша йилнинг ўзидаёқ мажбуриятини ортиғи билан адо этди. Колхозчиларнинг эл олдида юзи ёруғ бўлди.

«Дарё сувини баҳор тоширар, инсон қадрини меҳнат оширар», — деган гап бор. Бу бежиз айтилмаган, албатта. Назира опа ҳам ўз бахтини меҳнатдан топди, ўз тақдирини ўзи яратди. Унинг бригадаси йил сайин пахтадан юқори ҳосил олиб колхозда донг таратди. 1964 йили бригада 93 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 29,8 центнердан хирмон кўтарди. Ўша йили партия ва ҳукуматимиз ёв меҳнатсевар аёлнинг кўп йиллик меҳнатларини тақдирлаб, унинг кўкрагига олий нишон — Ленин ордени тақиб қўйди.

Бултурги ғалаба янада улкан бўлди. 147 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 30 центнер ўрнига 33.1 центнердан «ок олтин» олинди. Колхозчиларнинг даромадлари ҳам юқори бўлди.

— Айниқса, механизаторларимиз мўл даромад қилишди, — дейди Назира опа. — Улар звеноларга ҳам бошчилик қилишади, қатор ораларини ўзлари ишлашади. Бултур ўрта ҳисобда ҳар бир колхозчимизнинг бир ишчи-кунига 4,3 сўмдан пул тўғри келди. Эбазер Аблякимов, Амет Эмиров, сувчи Фозил Мадраҳимов, колхозчилардан Мунира Ҳайитбоева, Сафия Каримова ва бошқалар 1500—2500 сўмдан даромад қилдилар.

...Кечки пайт. Назира опа Қонқус ариғи тепасида сувга тикилиб турибди. Қонқус... Кўпчилик бу номнинг маъносига ҳам бормайдиган бўлиб қолган. Октябрь қўёши чарақлагандан сўнг ариқ сувга лиммо-лим бўлиб қолди.

Вақт бетутқин бир парса бўлар экан. Мана, Назира опа ҳам эрк нуридан деярли қирқ йилдан бери баҳраманд бўлиб келяпти. Мана шу йиллар ичида ўз элнинг севимли фарзандига айланди. Ҳамқишлоқларининг олқишига, ҳурматига сазовор бўлди. Олти фарзандинг онаси, йирик участканинг бошлиғи бўлишига қарамай, жонқуяр коммунист жамоат ишларига ҳам вақт топади. Колхоз хотин-қизлар Советининг аъзоси, ширин калом агитатор ўртоқ Н. Йўлдошевани ҳамкишлоқлари шу йил баҳорда Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайлашди.

Дала шийпонида пахтани жўнатишга ҳозирлаётган икки-уч кишининг қўли-қўлига тегмайди. Хамманинг дилида бир ўй-бир мақсад: ваъдага тезроқ вафо қилиш.

... Назира опа хирмондагилар билан самимий саломлашди. Уларнинг ҳол-аҳволини сўради. Колхоз, район ва областнинг шу кунгача қанча пахта тайёрлаганини айтди.

— Участкамиз ҳам бугун-эрта маррага етади, — деди у пировардида. — Яна бир зўр берсак, манзилга етамиз.

— Ҳа, машина ёв йил ҳам қўл келди, — дейишди колхозчилар. — Лекин, чеварларимизга ҳам қойил. ҳар бири 7—8 тоннани қойил қилиб қўйди.

Назира опа ўрнидан туриб, далага разм солди: ҳаммаёқ чаман-чаман бўлиб ётибди. Бир ёнда «ХВС» гуриллаб турибди, бир ёнда чеварлар мусобақалашишмоқда.

Қандай ажойиб манзара бу! Шу туфайли ҳам Назира опа ҳамиша далаларга мафтун.

З КУРТНЕЗИРОВ.
Янгиўл районидаги Свердлов номли колхоз.

Хатларингизга ЖАВОБ берамиз

ЛАНГАР МАШМАШАСИ

Лангардаги ретранслятор ёмон ишлаяпти. Оқибатда I ва VI каналлар орқали берилаётган телевизион эшиттиришлар яхши кўринмаяпти ва эшитилмаяпти. Телевизорларнинг нури гоҳ яраклаб кетса, гоҳ хиралашиб қолади. Баъзан экранда ҳамма нарса аралаш бўлиб кетади, одамлардан машиналарни, дарахтлардан ўтларни фарқ қилиб бўлмайди. Хуллас, телевизор томоша қилиб ҳордиқ чиқариш ўрнига, чарчаб асабимиз бузиляпти. Даҳлдор ташкилотлар бу ҳақдаги шикоятимизга қулоқ солмаяпти...

Косонлиқ бир группа меҳнаткашлардан олинган шикоят хатида шундай дейилган эди. Редакция хатни Узбекистон ССР алоқа министрлигига юбориб, нурсатилган камчиликни бартараф этишга қаратилган тадбирлар белгилашни илтимос қилди. Олинган жавоб хатида бундай дейилади:

Текширишда меҳнаткашлар шикоятида келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Шошилинч чоралар кўрилиши туфайли Лангардаги ретранслятор тартибга келтириляпти. Ҳозир I ва VI каналлар орқали эшиттиришлар берилаяпти.

ҲАЛОК БЎЛГАН ЖАНГЧИЛАРГА ЁДГОРЛИК

ФУРҚАТ (Фарғона области), (ЎзТАГ). Бағдод районининг Чўрунда қишлоғида Улуг Ватан уруши йилларидаги жангларда ҳалок бўлган ўзбек жангчиларига қўйилган ёдгорлик — монумент очилди.

Қишлоқ аҳолиси севикли Ватанни мудофаа қилиш учун ўзининг энг яхши ўғилларидан салкам 900 кишини юборган эди. Улардан 275 киши қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Миннатдор ҳамқишлоқлар ўрнатган гранит ёдгорликда уларнинг номлари олтин ҳарфлар билан ўйиб ёзиб қўйилган.

Ёдгорликни очиш маросимига Фарғона области колхоз ва совхозларининг вакиллари келишди. Бўлиб ўтган митингда Бағдод район партия комитетининг биринчи секретари К. Абдуллаев, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Шамсуддинов, Риштон районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони М. Топиболдиев, Узбекистон ССР ҳарбий комиссари К. К. Каримов, ҳалок бўлган жангчининг ўғли С. Тожикаримов ва бошқалар совет халқининг ўлмас жасорати тўғрисида, Улуг Октябрь ғояларининг тантанаси учун ўз жонини фидо қилган фарғоналик жангчиларнинг қаҳрамонлиги ҳақида гапирдилар.

Ёдгорлик супачаси ёнида абадий шуҳрат машъали ёқилди.

ҚАДИМГИ СУВ ОМБОРЛАРИ ХИЗМАТДА

Узбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг тарих — этнография отряди Қизил-қумдан қайтиб келди. Бу отряд ССР фанлар академияси экспедициясининг составида Ўрта Осиё ва Қозоғистон этнография атласини тузиш учун материаллар тайёрлашда қатнашди.

Чунончи олимлар Сирдарё ҳавзасида яшаган ва ҳозирга қадар нам ўрганилган халқларнинг келиб чиқиши ва шажараси билан қизиқдилар. Экспедиция эрта ўрта аср шаҳарларининг вайроналарини текширди, маҳаллий аҳоли ёрдамида бой материал тўпланди. Қорақалпоғистонлик олим — тарих фанлари доктори У. Шаликенов фикрига кўра, бу материаллар баъзи чет эл тадқиқотчиларининг қозоқлар ва қорақалпоқлар ўтмишда фақат чорвачилик билан шуғулланганликларидан далолат беради. Улар ерни суғориш учун Сирдарё сувидангина фойдаланиб қолмай, шу билан бирга, қор суви ва булоқ сувини ҳам моҳирона тўпланганлар. Улар қадим замонлардаёқ сардобалар қурганлар, сув омборларни вужудга келтиргганлар. Олимлар бу сув омборларининг баъзилари ҳозирги кунда ҳам деҳқонлар ва чорвадорларга яхши хизмат қилиб келаётганлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Тошкентда уй-жойларнинг, янги-янги маҳаллаларнинг туркуми ҳар доим кўпайиб бораяпти. Рассом Я. Исмонов чизган бу манзарада ленинградликларнинг Ўзбекистон пойтахтида тиклаган мухташам уйларни кўриб турибсиз.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Планетамизда

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Совет Иттифоқи Хавфсизлик Кенгашида киритган резолюция лойиҳасида бош секретарь У Танга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Суэйш канали зонасидаги кузатувчиларини 90 кишига етказиш ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кузатувчилар группасини қўшимча техника ва транспорт воситалари билан таъминлаш чораларини кўриш учун ваколат беришини таклиф қилди.

АМЕРИКА СОЛДАТЛАРИНИНГ БЕЗОРИЛИГИ

РИМ. (ТАСС). Американинг иккита солдати 10 ноябрда Италия Компартиясининг Ливорно шаҳри марказий майдонларидан биридаги секцияси биносига ёнувчи модда аралашмаси солинган шиша ташладилар.

Американлик безори солдатлар Америкага қарашли ҳарбий автобусга беркиниш-га ҳаракат қилаётган вақтда маҳаллий гражданлар уларни ушлаб олишди.

Италия территориясида ўзларини худди ўз уйларидагидек тутаётган Америка ҳарбийларининг бу сурбетларча безорилиги Ливорно аҳолисининг ғазабини қўзғатиб юборди. Ливорно аҳолиси американлик безориларни қаттиқ жазолашни талаб қилмоқда.

ИСПАНИЯДА ҚАМОҚҚА ОЛИШЛАР

ПАРИЖ. (ТАСС). Барселонада тўрт металлист ишчи яширин «ишчилар комиссиялари»га мансубликда айбланиб, қамоққа олинди.

Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, Севилья ва Мадриддаги иккита фабрикада ишчилар комиссиялари уюштирган намойиш қатнашчилари қамоққа олинганлигига қарши норозилик билдирган ишчилар ишни тўхтатиб қўйишди. Франциянинг «Мазда» компаниясига қарашли фабрикада ярим соатлик забастовка ўтказилди, забастовка қатнашчилари қамоққа олинган 13 намойишчининг бўшатилиб юборилишини талаб қилмоқдалар.

2.521 САМОЛЁТ УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ. (ТАСС). Вьетнам Халқ армиясининг ҳаво ҳужумидан мудофаа қисмлари 7 ва 8 ноябрь кунлари Вьетнам Демократик Республикаси осмонига бостириб кирган Америка самолётларидан яна бешта-сини уриб туширдилар. Вьетнам Информация агентлиги ана шу қўшимча маълумот ҳақида хабар бериб, Вьетнам Демократик Республикаси осмонида уриб туширилган Америка самолётларининг жами сони 2.521 тага етганлигини хабар қилади.

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОСМОНИДА АМЕРИКАНИНГ 2521 САМОЛЕТИ УРИБ ТУШИРИЛДИ.

■

КАНАДА ПАРЛАМЕНТИНИНГ ХАВФСИРАШИ

■

ЯПОНИЯДА УЙ-ЖОЙ ПРОБЛЕМАСИ ҲАМОН ЖИДДИЙЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА.

ҚАЛБАКИ БОНГ

Канада парламент и д а хавф-хатар бонги урилди. Депутат Роберт Томпсон ҳукуматга савол бериб, Гавана радиоси ҳар куни француз тилида «бевосита Квебек радио тингловчиларига мўлжалланган ҳамда партизанлар уруши давомида қўпорувчилик фаолиятини таш кил этиш бўйича кўрсатмалардан иборат» ярим соатлик программа эшиттираётгани маълумми, деб сўради.

Сўнгра Томпсон кейинги икки ҳафта мобайнида Канадада яшайдиган индуслар ва дурагай халқлар учун мўлжалланган ҳамда «қизиллар ҳокимиятини» ўрнатиш учун қурашга чақириқ-дан иборат яна бир Куба программаси эшиттирила бошлаганини айтди.

Социал кредит партиясидан бўлган ҳурматли депутатнинг ташвишли ва сирли ишораларга тўла нутқини эшитган Канада маъмуралари ҳанг-манг бўлиб қолдилар. Шошилинч равишда текшириш олиб борилиши кераклиги таклиф қилинди ва ҳатто «бошқа бир мамлакатга» Куба радиоси эшиттиришларини ёзиб олган плёнкаларни бериш тўғрисида илтимоснома ҳам юборилди. Чунки Канадада бундай ёзувлар олиб борилмайди.

«Торонто дейли стар» газетасининг ёзишига қараганда Канада ҳукумати энг аввало Шимолий Америкага мўлжалланган барча чет эл радиоэшиттиришларини мунтазам равишда ушлаб турадиган Қўшма Штатларнинг Марказий разведка бошқармасига мурожаат қилди. Афтидан, бу мурожаат МРБ учун кутилмаган воқеа бўлиб, Канада маъмурлари ҳалигача ундан жавоб олгани йўқ. «Канадиен пресс» агентлиги 22 октябрь куни хабар берганидек Канаданинг ўз кучлари билан олиб борган текширишлари Куба эфир орқали Канадага қарши «қўпорувчилик ҳаракатлари» олиб бораётганини тасдиқлайдиган бирор маълумот бермади. Депутат Томпсоннинг хавф-хатар тўғрисидаги бонги қалбаки бўлиб чиқди.

Шуни айтиш керакки, Канада билан Куба ўртасида, айниқса савдо-сотиқ соҳасида ўзаро яхши муносабатлар мавжуд. Лекин Канададаги айрим шахсларга ҳамда «қайси бир бошқа мамлакатга» бу ёқмаётганга ўхшайди. Маълум йўналишдаги айрим канада арбоблари бу муносабатларга доғ тушириш учун ҳозиргача кўп марталаб уриниб кўрдилар, кубаликларни қатор можароларга аралаштирмоқдалар. Шубҳасиз, Томпсоннинг инсинуациясини ана шу нуқтаи назардан қараб чиқмоқ даркор.

(«Новое время»дан).



Бугунги Улан-Батор. Сухэ-Батор майдони. Чапда — Монголия миллий опера ва балет театри биноси.

В. Сухоруких фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ЧЕТ ЭЛ ҲАНГОМАЛАРИ

Оперативчилик

АФИНАДАГИ меҳмонхоналардан бирига келганимдан кейин беш минут ўтар-ўтмас мени Греция яширин полициясининг назорат остига олганини сезиб қолдим,— деб ёзади Лондонда чиқадиган «Санди телеграф» газетасининг мухбири П. Смит.— Бирор ўн беш минут кутиб турсалар бўлмасмидикин?».

Қандай қилиб бўлса-да

МИССУРИ штатидаги Брансуик шаҳри сув тошқини остида қолди. Бироқ бу ҳол муниципалитетга ўз хизматчиларини сувдан фойдаланганлик учун ҳақ ундиришга жўнатишга халақит бермади. Соғиқ йиғувчилар сув босган кўчалардан қайиқларда юришарди.

Худо ва полиция

ЮГОСЛАВИЯДА чиқадиган «Илустрована политика» ҳафталик журналининг хабар беришича, Лондон кўчаларидан бирида маҳаллий диний жамоанинг плакати осилиб турарди. Унда шундай деб ёзилган: «Худо — бизнинг бошпанамиз ва кучимиздир». Кўп ўтмай худди шу плакат ёнига яна биттаси осиб қўйилган. Унда эса шундай сўзлар бор: «Бироқ бу ҳамма ерда ҳам шундай бўлавермайди, шу сабабдан бирор шубҳали нарсани сезиб қоладиган бўлсангиз дарҳол полицияни чақиринг!».

Бор куч билан

АВСТРАЛИЯДА машиналар вайрон бўлишига олиб келган ҳодисаларнинг сабабларини аниқлайдиган муҳофаза жамиятининг ҳужжатларида қуйидагича тушунтиришлар ҳам бор:

«Мен бор кучим билан сигнал бердим. Бироқ, машинамнинг сигналини қимдир бундан уч ой илгари ўғирлаб қўйганлиги сабабли мен берган сигнал таъсир қилмади».

«Мутлақо ўз ўрнига ўтказилмаган дарахтга бориб урилдим».

(«За рубежом»дан.)

«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЁФАСИ

ОСМОН УЛАРГА БОШПАНА

Япония тўғрисида сўз кетганда уни урушдан кейинги йилларда саноатнинг кўпгина тармоқлари бўйича тараққий этган капиталистик давлатлардан анча ўзиб кетган мамлакат деб аташади. Масалан, Япония транзистор радиоприемниклар ва магнитофонлар, оптика буюмлари, кинокамера ва фотоаппаратлар ишлаб чиқариш соҳасида Қўшма Штатлар ва Ғарбий Германия билан рақобат қилади. Япония гуллаб-яшнаётган мамлакат деган тасаввур пайдо бўлиши ҳам мумкин. Чиндан ҳам шундайми?

Осака, Нагоя, Киото ва Нагасакига саёҳат қилиб, мен ўз таассуротларимни маҳаллий касаба союз арбобларидан бири билан ўртоқлашдим. Биз фаровонлик тўғрисида сўз очиб қолдик.

— Буларнинг ҳаммаси усти ялтироқлик,— деди суҳбатдошим.— Сиз бизнинг воқелигимизга яқинроқ ёндошиб кўринг. Масалан, бутун Япония эмас, балки битта Токиода уй-жой проблемасини олиб кўринг. Сиз бизнинг «фаровонлигимиз» қанақалигини дарҳол билиб оласиз.

Касаба союз ходими ҳақ эди. Капиталистик дунё контрастлари айниқса уй-жой масаласида яққол кўзга ташланади. Японияда бу проблема, ҳатто қурилиш министрлигининг тан олишича, йил сайин жиддий тус олмоқда.

Деҳқонлар, айниқса ўзларини турмуш кечириш минимуми билан таъминлай олмайдиган ёшлар ўз бахтини шаҳардан излашга мажбурдирлар. Мамлакатдаги юз миллион аҳолининг ярмидан кўпи шаҳарларда яшайди. Шаҳарларда аҳоли жуда ҳам зич. Уй қуриш учун ер сотиб олиш мушкул. Кейинги ўн йил ичида биргина шаҳар атрофларининг ўзида ер участкалари нархи 4 баравар ошиб кетди. Расмий маълумотларга қараганда, Японияда 550 мингга яқин оила ўз уй-жойига эга эмас ва улар жуда катта пул тўлаб, кичик-кичик хоналарини ижарага олишга мажбурдирлар. Масалан, Токиода 16-20 квадратметр сахнли хонани ижарага олиш учун электр қуввати, сув, газ харажатлари ва бошқалардан қатъи назар ойига 35 минг йен тўлаш керак. Шуни ҳам айтиш лозимки, Токиода коммунал хизмати учун ҳақ жуда ҳам катта.

Ана шундай танқисликдан фойдаланган ер эгалари ўйинчоққа ўхшаган омборчалар қуриб, уларни юқори нарх билан ижарага топширадилар. Ҳатто ана шундай ҳужраларда ҳам кам ҳақ оладиган ишчилар ижара ҳақини муттасил тўлашга қийналиб қоладилар. Кўплаб японлар, айниқса ишсизларнинг бошпанаси эса очиқ осмондир.

Япония шаҳарларида қурилиш ишлари олиб борилмаяпти, деб айтиб бўлмайди. Бу ерда ҳашаматли ҳовлилар, кўп квартирали осмонўпар уйлар — худди ҳозир Токионинг Касумигачеки районида қурилаётган «Мицубиси-биру» сингари биноларнинг ҳаҳ кўтармоқда. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда уй-жой майдони статистика бўйича ана шундай тарзда кўпаймоқда. Уй-жой проблемаси эса, бу уйлар фақат бойлар учун қурилаётганлиги сабабли, ҳамон жиддийлигича қолмоқда. «Уз уйига эга бўлиш,— деб таъкидлаган эди яқинда «Джапан таймс» газетаси ўз бош мақоласида,— ишчиларнинг кўпчилиги учун амалда ушалмайдиган орзу бўлиб қолди».

Япония ҳукумати 5 йиллик уй-жой қурилиши плани деб аталмиш планни эълон қилди. Унда шахсий уйларни (70 процентга яқини) давлат маблағлари ишлатмасдан қуришга асосий эътибор берилган. Бошқача сўзлар билан айтганда, ишчилар бундан ҳеч қандай наф кўрмайдилар. Ҳеч бўлмаганда бир парча ер сотиб олиш учун уларнинг бир мири чақаси йўқ.

П. БАРАХТА,
АПН мухбири.

ШОН-ШУҲРАТ МОНУМЕНТИ

УРГАНЧ, (ЎзТАГ). Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги байрами кунларида Ҳазораспнинг асосий кўчасида доимо ёниб турадиган машъал ёндирилди. Хоразмда Совет ҳокимияти ғалабаси учун, фашистларга қарши олиб борилган жангларда ўлмас жасорат кўрсатган курашчилар хотираси учун улкан ёдгорликни очиш маросимида қатнашмоқ учун район марказ-ги ва атрофдаги қишлоқларнинг неча минглаб аҳолиси шу ерга тўпланди.

Ёдгорлик супасига кўплаб гулчамбарлар қўйилди. Ёдгорликнинг мармар супасига 52 қаҳрамоннинг фамилияси ўйиб ёзилган.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ТАРҒИЛ УЙИНИ ТОПДИ

Янгиариқлик колхозчи Сафарбой ака сигирини сотиш учун бозорга келтирди. Урганч районидаги Калинин номли колхозидан бир ошнаси сигирга харидор бўлди.

Сафарбой ака сигирни пуллаб, магазиндан у-бу нарса харид қилди. Кечда уйига қайтиб келса, сигир ҳовлиси олдида турибди. Ҳайрон бўлди. «Ажабо, сигир ошнамга ёқмабди шекилли, уйга қайтариб келтирибди» ўйлади у. Тарғилнинг ўзи келганини уйидагилардан билгач, Сафарбой ака безовталана бошлади: «Ошнам роса сарсон бўлади-да. Мендан хафа бўлмаса кошкийди».

Оила дастурхон атрофида ўтирганида, Урганчдан меҳмон келиб қолди.

— Келинг, Ражаб ака, тинчликми?

— Раҳмат, тинчлик, ўзим... Шундай сизни йўқлаб...

Сафарбой ака хо-холаб кулиб юборди:

— Мени йўқлаб дедингизми? Сигирни йўқлаб келган бўлманг тагин. Эртага етаклаб бормоқчийдим. Ҳечқиси йўқ. Сигир баҳона, дийдор ғанимат.

Ўттиз километр йўлдан, аввалги уйини топиб келган «қочоқ» тарғил сутдан чиқан бузоғи ёнида яна бир кун меҳмон бўлиб, охири тақдирга тан берди, янги хўжайинликка кетишга мажбур бўлди.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Футбол

ЎНСАККИЗИНЧИ ДУРАНГ

Салкам бир ойлик сафардан сўнг «Пахтакор» командаси футболчилари яна ўз майдонларида ўйинга тушдилар. Бу гал пахтакорчилар Луганск шаҳрининг ёш, аммо тажрибали командаларга ҳам бўш келмай олий лигада муваффақиятли қатнашаётган «Заря» командасининг футболчиларини қабул қилдилар.

Футбол ишқибозлари луганслик футболчиларнинг Москва динамочиларини 1:0 ҳисобида ютиб, мамлакат чемпионлигига даъвогарлик қилишдан асосан маҳрум қилиб қўйганликларини яхши биладилар.

Шунинг учун ҳам Марказий «Пахтакор» стадионида бўладиган ўйинни чарм тўп усталари, мутахассислар ва футбол шинавандалари зўр қизиқиш билан кутган эдилар. Меҳмонлардан кўра майдон эгалари учрашувни ниҳоятда кўтаринки руҳ билан бошладилар. Тўла жанговар составда майдонга тушган пахтакорчилар, ташаббусни ўз қўлларига олиб, меҳмонларнинг моҳир дарвозабони, спорт мастери Л. Клюев ўрнини эгаллаган Александр Ткаченко дарвозаси томон бир неча бор ҳужум уюштирадилар. Лекин ўйлаб амалга оширилмаган комбинациялар охиригача етказилмасдан қолиб кетаверди. «Заря» командасининг футболчилари ҳужумдан кўра кўпроқ ҳимояда ўйнаб мезбонларнинг эркин ҳаракат қилишларига тўсқинлик қилиб турдилар.

Ўйиннинг иккинчи ярми пахтакорчиларнинг ҳужуми остида ўтган бўлса-да, «Заря» дарвозасига биронта ҳам тўп киритишнинг иложи бўлмади. Бектошев ва Абдураимовлар тепган бирнеча тўпларни Ткаченко маҳорат билан қайтариб қолишга эришди.

Шундай қилиб, «Пахтакор» командасининг футболчилари мухлисларининг ишончини оқлай олмадилар. Матч 0:0 ҳисобида тугади. Пахтакорчилар ўнсаккизинчи марта дуранг ўйнаб, дурангбозликда турнир жадвалида биринчи ўринни эгаллаб туришгилар.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нефтяник» (Боку) — «Динамо» (Минск) — 1:0, «Арарат» (Ереван) — «Зенит» (Ленинград) — 4:3, «Динамо» (Киев) — МАСК — 0:0, «Черноморец» (Одесса) — «Крилья Советов» (Куйбишев) — 1:1, «Шахтёр» (Донецк) — «Локомотив» (Москва) — 0:0, «Динамо» (Тбилиси) — «Спартак» (Москва) — 2:3, «Торпедо» (Кутаиси) — «Динамо» (Москва) — 2:2.

Турнир жадвалида аҳвол қуйидагича:

КОМАНДАЛАР	У.	Т.	О.
1. «ДИНАМО» К.	33	49—10	51
2. «ДИНАМО» М.	33	52—21	47
3. «ДИНАМО» Тб.	34	45—29	42
4. «Динамо» Мн.	34	44—29	40
5. «Шахтёр»	34	41—37	39
6. «Спартак»	34	37—29	38
7. «Нефтяник»	33	46—32	36
8. «Арарат»	33	39—35	35
9. МАСК	33	33—32	34
10. «Кр. Советов»	34	23—24	33
11. «Торпедо» М.	33	36—43	31
12. АСК Р.	33	34—41	30
13. «Торпедо» Кт.	35	35—49	29
14. «Заря»	33	23—35	28
15. «Қайрат»	33	24—46	27
16. «Локомотив»	34	31—34	27
17. «Пахтакор»	34	28—40	26
18. «Черноморец»	33	21—42	24
19. «Зенит»	34	27—59	21

«Пахтакор» командасининг футболчилари навбатдаги учрашувни ўз майдонларида 16 ноябрь куни пойтахтнинг «Локомотив» командаси билан ўтказадилар.

П. ГАДОЕВ.

ШВЕЦИЯДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР

Москвадаги Октябрь тантаналарида қатнашган Швеция коммунистлари сўл партияси правлениесининг аъзоси «Норшенс Фламман» газетасининг бош редактори Альф Левенборг Ўзбекистоннинг ҳаёти билан танишмоқда.

Швециядан келган меҳмон 11 ноябрда Тошкент шаҳар партия комитетининг ходимлари билан учрашди. Шундан кейин у Ўзбекистон пойтахтининг қурилишларини бориб кўрди.

(ЎзТАГ).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Классик куйлар. 9,30 — Музыкали танаффус. 10.10 — М. Балакирев. «Тамара» симфоник поэмаси. 10.30 — Топишмоқли концерт. 11.10 — «Партия маорифи системасида янги ўқув йили» (рус.). 11,25 — Чолғу куйлари. 12.15 — Концерт (Тошкент консерваторияси студентлари ва ўқитувчилари ижросида). 13,30 — Вокал ансамбллар. 18.00 — «Правда» газетасининг обзори. 18.10 — Спорт. 18.40 — «Фарғона квартети». 19.20 — Қорақалпоқ куйлари. 20.00 — «Кишилар бахтиёрлиги йўлида» (рус.). 20.10 — Концерт (Совет Армияси жангчилари учун). 20,45 — Атеистик темаларда. 21.00 — Концерт (пахтакорлар учун). 22.15 — Рақс куйлари. 22.40 — Ўзбек ҳикоялари антологияси. Ҳамид Ғулом. «Солдат онаси» (рус.). 23.20 — Концерт (янги Тошкентни қураётганлар учун).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17,55 — Эшиттиришлар программаси. 18.00 — Телеянгиликлар. 18.15 — Реклама ва эълонлар.

Ўзбек тилида: 18.20 — Мусобақа илғорлари (саноат ходимлари учун). 18.40 — Халқ созанда-бастакорлари. Муҳаммаджон Мирзаев. 20.00 — Телеянгиликлар. 20.20 — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

21.00 — Усмон Носир. Ёзувчининг адабий портрети. 21.30 — Вертикаль (рус тилида бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17,30 — Ўқув эшиттиришлари программаси. Асосий эстетик тушунчалар (мактаб ўқувчилари учун). 18.00 — Ўзбек мактабида рус адабиётини ўқитиш. 18,20 — Назарий механикадан статикага кириш қисми (иккинчи курс студентлари учун).

19.45 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17,00 — Олмаота кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 19,30 — Партия байроғи (ҳужжатли фильм). 19.50 — Ҳар доим серган (ўт ўчирувчилар ҳақида).

Рус тилида: 20,05 — Ю. Милютин. Трембита (оперетта).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/XI да Улимдан кучли, 15/XI да Парвона.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/XI да Ёшликда берган нўнгил.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Беором юраклар» Ёшлар коллективи гастроллари. Айиқлар аттракциони. Томоша кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

Замонамиз қаҳрамони — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Яшил арава — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Саҳна — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШ БОШҚАРМАСИ

21 дан 24 ноябрга Самарқанд шаҳрининг офицерлар уйи биносида (Ленин кўчаси, 58-уй).

РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКАСИНИ УТКАЗАДИ

Ярмаркада: станок ва технология ускуналари, эҳтиёт қисмлар, электр материаллари, асбоблар, лак-бўёқ маҳсулотлари, химикатлар, тўқимачилик материаллари ва бошқалар сотиш учун қўйилади.

Ўзбекистон ССР норхона ва ташкилотлари вакиллари таклиф қилинади.

Маълумотлар учун адрес: Тошкент шаҳар, Глинка кўчаси, 3-уй. Телефон 5-23-54.

РЕСПУБЛИКА ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИГА 1968 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна «Союзпечать»нинг ҳамма бўлимлари ва агентлари, фабрика, завод, қурилиш, колхоз, муассаса ва ўқув юртларининг обуна пунктларида қабул қилинмоқда.

Обуна қилишнинг сўнгги муддати 25 ноябрга.

«Союзпечать» бошқармаси.

РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИГА

2, 3, 4, 5-разрядли токарлар, электр пайвандчилари, токар ва фрезерчиликка шогирдлар, асбобсозлар, жиҳозлар ремонти бўйича слесарлар, ҳамма разряддаги фрезерчилар

КЕРАК

Елгиз кишилар ётоқхона билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Марғилон шаҳар, Киров кўчаси, 1-уй.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ № 26 Редактор — В36545, Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Масъул секретарь — В34445, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283, Партия турмуши — В33469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216, Коммунистик тарбия — В31455, Саноат капитал қурилиш ва транспорт — В34780, Совет қурилиши — В33258, Қишлоқ хўжалиги — В37604, Адабиёт ва санъат — В32036, В37221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451, Маҳаллий ахборот ва спорт — В32347, Оммавий ишлар ва алоқалар — В38679, В33553, Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85, Бухоро 31—41, Қарши (нефть разведкаси коммутатори орқали қўшимча) 84, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

№ А — 267. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 02256.